



ERUSEN SHON, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHONSEN SEN

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ

www.xabar.cc.uz

xabar@uzpak.uz

orif@infonet.uz

1992-yil martdan chiqqan boshlagan

2005-yil, 17-iyun, 24 (665)-son

Sotuvda narxi erkin

ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

♦ Матбуотда «Бозор илохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий ёнада эриктириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари эълон қилинди.

♦ Олий Мажлис Сенати ташқи сиёсат масалалари қўмитаси мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонунининг Адлия вазирлиги томонидан қандай ижро этилаётганлиги масаласи кўриб чиқилди.

Парламент юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгаришларни, икки палатали парламентга ўтилганлигини, шунингдек, халқаро шартномалар тузиш ва уларни ижро этишда тўпланган тажрибаларни инобатга олиб, халқаро ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан тайёрланаётган экспертиза хулосалари сифатини ошириш зарур эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

♦ Андижон вилоятининг Пахтабод туманида «Ўздунробита» мобил алоқаси компаниясининг 2000 абонентга мўлжалланган янги базавий станцияси иш бошлади. Тез орада Чинобод, Бўтакора, Маданият, Ойим, Ниёзбодир қишлоқлари ҳамда Улуғнор туманида ҳам базавий станцияларни фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

♦ 15 июн куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйда олиб борилаётган текширув ишлари ҳамда Андижон шаҳри ва Андижон вилоятида вазиетни барқарорлаштириш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар мониторингини амалга ошириш бўйича мамлакатимизда аккредитация қилинган хоржий дипломатик корпус вакилларидан иборат илчи гуруҳининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ:

АКТга ДОИР ЯНГИ БИТИМЛАР



С. НАСЛЕДОВ олган сурат.

Тошкентда «Ўзбектелеком» АК акциядорларининг 2004 йилги молиявий-ҳўжалик фаолияти ва келгусида ривожланиш умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори, «Ўзбектелеком» АК Кузатов кенгаши раиси А.АРИПОВ бошқарди.

Кун тартибидagi биринчи масала — «Ўзбектелеком» АКнинг 2004 йилги молиявий-ҳўжалик фаолияти бўйича компания бош директори Х.Муҳитдиновнинг ҳисоботи тингланди. Ҳисоботда таъкидланишича, компания тармоғида 2000 телефон станцияси мавжуд бўлиб, сифими 1,9 млн дан ортиқ рақамни ташкил қилади. Уларнинг 38,5 фоизи рақамли телефон станцияларидир. Жами 20 минг ходим ишлайдиган компанияда 28та йўналишга эга бўлган халқаро телекоммуникация каналлари мавжуд бўлиб, улар орқали дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш имконияти яратилган. Унинг

Акциядорлар муҳокамасида

19та филиали товушли алоқа, маълумотни узатиш, телекоммуникациянинг турли каналларини ижарага бериш, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини узатиш, Интернетдан фойдаланиш ва бошқа шу каби хизматларни тақдим этади.

Ўтган 2004 йилда «Ўзбектелеком» АК томонидан кўрсатилган хизматлардан олинган даромад миқдори 106,2 млрд. сўмни ташкил этди. Ҳисобот даврида асосий телефон аппаратлар сони 32,7 мингга ўсди. Тошкент шаҳрида Siemens ва Huawei Technologies Co.Ltd компаниялари ҳамкорлигида бир қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Ўтган йил давомида 312 раҳбар ва 2322 нафар мутахассис малакаларини оширди. Меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун мўлжалланган 437,8 млн. сўм ўрнига 733,0 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Жорий йил режаларида кўрсатилётган хизматлар сифimini ошириш ва сифатини яхшилаш, янги хизмат турларини татбиқ этиш, шунингдек, телекоммуникация тармоқларини модернизация қилиш ва рақамлаштириш лойиҳаларини амалга киритиш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шу йил 25-27 май кунлари Хитой Халқ Республикасига қилган давлат ташрифи икки томонлама ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу ташриф чоғида икки мамлакат раҳбарлари Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатларaro шартномага имзо чекилар. Айни пайтда мамлакатларимиз ўртасида кўплаб соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорликка оид йиғирмадан ортиқ ҳужжат қабул қилинди. Улар қаторида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан Хитой ахборот саноати вазирлиги ўртасида имзоланган алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идораларaro битим ҳам бор.

Икки мамлакатнинг ҳукуматлари, вазирликлари ва идоралари ана шу келишувларни ҳаётга изчил татбиқ этиш борасидаги ҳамкорликни янада ривожлантирмоқда. 14 июн куни мамлакатимизга Хитой Халқ Республикаси ахборот саноати вазирининг ўринбосари Си Гоуха раҳбарлигидаги делегация ташрифи ҳам бунинг исботидир.

(Давоми 2-бетда.)

● DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

Андижон вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг қарори билан тасдиқланган 2005 йилги текширишлар режа-жадвалига асосан «Андижон электр тармоқлари» ОАЖ ва «UNITEL» МЧЖнинг Андижон филиалида текшириш ҳамда ўрганишлар олиб борилди.

ҳосил қилмаганлиги тўғрисида иккита мурожаат келиб тушди. Бу мурожаатлар ўз вақтида мутасадди ходимлар билан биргаликда ўрганилиб, ижобий ҳал этилди. «Андижон Телеком» филиалининг икки нафар айбдор ходимига нисбатан ҳайфсан эълони қилинди ва улардан бири эғаллаб турган вазифасидан четлаштирилди.

Мижозлар ҳам, корхона ҳам зарар кўрмасин

Текширишлар жараёнида «Андижон электр тармоқлари» ОАЖда амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилаётганлиги, жумладан, бу ерда маҳаллий телефон алоқасидан фойдаланиш бўйича лицензия мавжуд эмаслиги, капитал қурилиш ва мукамал таъмирлаш йўналишида ишлаб чиқилган режаларнинг бажарилмаганлиги, АТСдаги мавжуд 36та ШК (шнурлар комплекти)дан бтаси, 20та регистрдан 3таси носоз ҳолатда эканлиги, Андижон-Хўжаобод ва Андижон-Жалолқудуқ йўналишларида станцияларро боғлавишдаги рақиялар сони 100 фоизни ташкил этганлиги маълум бўлди.

тегишли 2 дона уяли радиоалоқа телефони орқали аҳолига ноқонуний равишда шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизмати кўрсатаётганлиги аниқланди ва сохта тадбиркорнинг ушбу ноқонуний фаолиятини тўхтатиш ва унга нисбатан зарур чораларни кўриш учун барча маълумотлар вилоят Давлат солиқ бошқармаси ва Хўжаобод тумани Давлат солиқ инспекциясига топширилди.

Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида Андижон вилояти ДАИ, ИИБ ва ЭММХларнинг «Вилоят ҳудудидида радиочастота спектри, радиоэлектрон вонситалар ва юқори частотали қурилмалардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш бўйича ҳамкорликдаги чоратадбирлар режаси»га асосан 8 мартаба рейд ўтказилди. Натижада ноқонуний фойдаланилаётган 4та РЭВ аниқланиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 151 ва 152-моддаларининг 1-бандларига мувофиқ 4 нафар фуқарога жами 71830 сўм миқдориде жарима солинди ва бу маблағ маҳаллий бюджет ҳисобига тўлиқ ундириб олинди.

Ўтказилган мониторинг ва рейдлар жараёнида Андижон шаҳрининг Бобуршоҳ кўчасидаги 40-уйда жойлашган «Admiral servis» хусусий корхонаси қошида махсус рухсатномасиз Интернет хизмати кўрсатиш билан шуғулланаётган Интернет-кафе аниқланди. Тегишли кўрсатма берилгани натижасида «Admiral servis» хусусий корхонаси томонидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2005 йил, 1 мартдан 2010 йил, 1 мартгача бўлган муддатга «Маълумотлар узатиш тармоғини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш» ҳуқуқини берувчи лицензия қайтариб олинди.

Вилоятда фаолият юритаётган Интернет-кафе, Интернет-клуб ва Интернет-провайдерлар сони тобора ортиб бораётганлиги боис бу йўналишда фаолиятни бошлаш учун қандай ҳужжатлар тайёрлаш, уларни қаерга тақдим этиш ва шу каби бошқа масалалар юзасидан «Дийдор» радиосида 3 мартаба чиқиш қилинди.

Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида вилоят ДАИ бошлиғи номига фуқаролардан хонадонларидаги телефон ишламаётганлиги, шунингдек, Андижон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси Марказий сўзлашув масканидаги телефончиларнинг миждозларга қўпал муносабатда бўлганлиги, сўзлашув учун қитанция ёзиб бермаганлиги ҳамда боғлама бошлиғига ёзган аризасига олган ёзма жавобдан қониқши

24-01-11 рақамли «Ишонч телефони» хизматида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида келиб тушган 44та мурожаатнинг 42таси маҳаллий телефон алоқасига, биттадан почта алоқаси ва матбуот таркатиш соҳаларига тўғри келиб, уларнинг барчаси ўрганиб чиқилди ва ижобий ҳал этилди. Телефон ишламай турган кунлар учун абонентлик тўловлари қайта ҳисоб-китоб қилинди. Асосли шикоятларнинг келиб чиқишига йўл қўйган «Андижон Телеком» филиалининг икки нафар, Андижон вилояти «Матбуот уюшмаси» МЧЖнинг бир айбдор ходимига шу корхоналар томонидан ҳайфсан берилди. Асосли шикоят келиб чиққанлиги ҳамда алоқанинг сифатига доир меъёрлар, давлат ва тармок стандартлари бузилганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 153-моддасига асосан бир мансабдор шахсга нисбатан жазо чораси қўлланилиб, унга 13060 сўм миқдорда жарима солинди ва маҳаллий бюджет ҳисобига ундирилди.

Андижон вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси ва «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Андижон Телеком» филиали билан ўзаро ҳамкорликда телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш, самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Жиддий камчиликларнинг келиб чиқишига йўл қўйганлиги, қўл остидаги ходимларга нисбатан назоратни сусайтиргани ва ишнинг етарли даражада ташкил қилмаганлиги учун «Андижон Телеком» филиалининг тегишли буйруғи билан Пойтуғ телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи эғаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Марҳамат ва Асака телекоммуникациялар боғламалари бош муҳандисларига ҳайфсан эълон қилинди.

Ҳулоса қилиб шунни таъкидлаш жоизки, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси шиддатли ривожланаётган ҳозирги даврда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар қонуний ва сифатли бўлса, бундан, албатта, миждозлар ва хизмат кўрсатаётган корхонанинг ўзи ютади. Акс ҳолда, иккала томоннинг ҳам ҳамёнига зарар етиши турган гап.

Рустам ТАВАККАЛОВ,
Андижон вилояти
ДАИ бошлиғи



Саралаш турнири давом этмоқда

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган компютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионатининг ҳудудий саралаш турнирида 250 нафар геймер голиблик учун кураш олиб борди.




Барча ўйинлар бўйича голиблар бир кунда маълум бўлди. Чунки ўйинлар бир вақтнинг ўзиде Neo ва Faraon клубларида финал босқичига чиқиш имконини берувчи 8 йўлланма учун курашаётган геймерларга қулайликлар яратиш мақсадида шундай қарорга келишди.

Мусобақага тўхталадиган бўлса, турнирни биринчи бўлиб Need for Speed: Underground 2 ўйини иштирокчилари яқунлашди. Биринчи босқичдан сўнг 30 нафар иштирокчи орасидан энг яхши натижаларни кўрсатган 16 нафар геймер иккинчи босқичда курашнинг давом эттирди. Ушбу баҳсда Талъат Ҳафизов (49,87 сония) голибликка эришиб, финал йўлланмасини қўлга киритди.




Турнирда StarCraft@: Brood War™ ўйини кураши қизиқарли тус олди. Газетамизнинг ўтган сониде ушбу ўйин бўйича Бухорода бор-йўғи икки иштирокчи қатнашганини, шунинг учун ҳакамлар голиб Самарқандга бориши ҳақида қарор чиқаришганини ёзган эдик. Бухоролик геймер Фирдавс Ҳасанов Самарқандга келиб, турнир голибликка айланди. Энди у Тошкентда ўтадиган финал баҳсиде иштирок этиши имкони берилди.

Энг шиддатли баҳс Counter-Strike ўйини бўйича кечди. Самарқанднинг ўтган йилги голиби СК жамоаси турнир бошлигинида ўзининг бешинчи ўйинчисини узоқ кутди. Бу жамоанинг руҳий ҳолатига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади: турнир фаворитлари чорак финалда тўхтатилди.



Голиблик хоҳсупасига эса X-PL0IT жамоаси кўтарилди. Айнан ушбу жамоа 1 июл куни Миллий финалда Самарқанд шарафини ҳимоя қилади.



WarCraft@ III: Frozen Throne ўйини одатдагидек ўтди. Фақат баъзи иштирокчилар куръа ташлашга ўз вақтида етиб кела олишмади (жумладан, ушбу ўйин бўйича ўтган йилги турнир голиби ҳам) ва улар ўйиндан четлатилдилар. Бундан унумли фойдаланган Алижон Шарипов Warcraft бўйича биринчи ўринни эғаллади.

Таъкидлаш лозимки, Самарқандда компютер ўйинларига катта эътибор берилмоқда ва унинг оммавийлиги тобора ошиб бормоқда. Мисол учун, яқинда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси ва Республика «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Самарқанд бўлими кўмағида компютер ўйинлари бўйича шахар биринчилиги ўтказилди. Бошқа шахарларда ҳам бундай биринчиликлар ташкил этилса, миллий чемпионат савияси ҳам ортган бўларди. Бу эса терма жамоанинг Жаҳон чемпионатидаги муваффақиятини таъминлаши мумкин бўлган ягона йўлдор.

Навбатдаги саралаш турнири 18-19 июн кунлари Наманган ва Фарғона шахарларида бўлиб ўтади.

